



ЎҚУВ-СЕМИНАР

"Hamkorbank" АТБ Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси томонидан филиалларда фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари учун ўқув-семинар ташкил қилинди. Унда "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги янги қонуннинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ СИЗНИНГ ҲИМОЯЧИНГИЗ

Тадбирда "Hamkorbank" АТБ Кенгаши раиси И. Ибрагимов сўз олиб, касаба уюшма ташкилотларининг ходимларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш борасидаги вазифаларига тўхталди. Бу борада филиаллардаги БКУҚ раисларининг ташаббускорлигини ошириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Жамоада соғлом муҳитни шакллантиришда етакчининг ўрни ва ташкилотларда ҳужжат ишларини юритиш, меъёрий тартибларга амал қилиш борасида маърузалар тингланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг VIII-Қурултойида бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарига қўйилган устувор вазифалар тўғрисида ҳам суҳбатлар ташкил қилинди.

Раҳбар психологияси ва жамоада соғлом муҳитни шакллантириш омиллари мавзусида "Grand medical service" маркази директори, психолог-доцент Ш. Мустафоевнинг фикрлари тингланди. Ходимларнинг фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг мазмун-моҳияти ҳамда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятларининг эътиборли жиҳатлари кўрсатиб ўтилди. Касаба уюшмалари ходимларнинг доимий ҳимоячиси эканлиги таъкидланди.

Ўқув-семинар якунида Банк БКУҚ раиси Ш.Неъматов фаол етакчиларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширди.

М. ТЎХТАСИНОВА.



Ҳар қадамда бунёдкорлик, қурилиш, ободончилик. Кўриб кўнглинг яшнайди.

Сарварбек ЗУҲРИДДИНОВ, сурат-лавҳаси

ИҚТИСОДИЁТ

Кейинги йилларда иқтисодиётда давлат иштироки камайтирилиб, хусусий тадбиркорлик ривожига кенг ўрин берилмоқда. 2021-2022 йилларда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимида Шавкат Мирзиёев давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусийлаштиришнинг янги усулларини жорий этиш ва унинг барча босқичларида очиқ-ошкораликни таъминлаш янада долзарб вазифага айланди. Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Нуфузли хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда, йирик тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳадаги асосий вазифага айланди.

Эндиликда давлат корхоналарига стратегик инвесторларни жалб қилиш, фақат мавжуд қувватларни ишлатиш билан чекланмасдан, корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарур.



Инвесторлар сармоя киритиш билан бирга янги лойиҳалар тақлиф қилиши, замонавий билим ва технологияларни олиб келиши лозим. 2022 йил учун хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқишда айна шу вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш лозимки, хусусийлаштириш масаласига илгаридек бир тарафлама қараб бўлмайди. Бу мулкдор учун ҳам имконият, ҳам масъулият демакдир.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

Бу сонга:

МОЛИЯВИЙ КЎМАК САМАРА БЕРМОҚДА

Аҳолининг бўш ва эҳтиёждан ташқари пуллари эвазига банкка қўйилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортаётти. Қолдиқ омонатлар ҳажми бундан 4 йил муқаддам 5 миллион 904 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу рақам ҳозирда 17 миллион 677 минг сўмга етди. Шу билан бирга 4 йил муқаддам омонат қолдиғи таркибини ташкил этувчи 1 млн. 081 минг АҚШ доллари бугунги кунда 1 млн. 200 мингга тенг.

4-бет.

"НУР ЧАШМАСИ"

ёки сувни тозалайдиган "авлиёбалиқлар"

Нур чашмаси табиатнинг ноёб туҳфаси бўлиб, у бир неча минг йиллар давомида она заминга обиҳаёт, инсонлар қалбига нур бағишлаб келади. Чашма 20 х 30 метрли дарғот – ҳовуздан иборат бўлиб, у шимолга томон оқади. Суви дастлаб иккига бўлинади ва улар "Оби роста" ҳамда "Оби чаппа" деб номланади.

5-бет.

ТАНЛОВИМДАН МАМНУНМАН

Бу галги суҳбатдошимиз "Hamkorbank" АТБ Бухоро филиали касса амалиётлари бўлими касса мудир Озода Усмонова бўлди. У биз билан онлайн мулоқот жараёнида ўз жамоасини, касбини нақадар севишини қайта-қайта таъкидлади.

8-бет.

КҮН
ҲИҚМАТИ:

Кимда-ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўтган аждодлари билан кибрланса, ўша кишининг ўзи ўлик, аждодлари эса тирик саналади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

"ЯШИЛ МАКОН"

Бугун юртдошларимизни яна бир хайрли ташаббус бирлаштирди. Яшил оламни сақлаш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шундан келиб чиқиб айни кунларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида барча кўчат экиш тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

ЭЗГУ АМАЛ БУ



Давлатимиз раҳбари томонидан йилига 200 миллион туп кўчат экиш режалаштирилиши ҳар бир фуқарони бу ҳаракатда қатнашишга чақирди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Масъул ташкилотлар, корхона ва идоралар билан бирга кенг жамоатчилик биргаликда қадам ташлаши лозим.

Шундай бўлди ҳам. Қайси бир маҳаллага кириб борманг, кўчат экиш умумхалқ ҳашарига айланганини кўриб қувонасан киши. Фуқаролар ўз яшаш ҳудудлари, туман ва шаҳар марказлари, иқлим шароитларидан келиб чиқиб, эман, япон сафораси, катальпа, шумтол, қайрағоч, павлония, заранг, акация, терак, чинор, тут, жийда, ёнғоқ ва бошқа мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экмоқда. Бу билан умуммиллий лойиҳа доирасида дарахт экиш, кўкаламзорлаштиришга қаратилган долзарб 40 кунлик ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

— Дарахт кўчатлари экиш, ободонлаштириш банкимиз жамоаси учун доимий ишга айланган, — дейди "Намкорбанк" АТБ фахрийлар кенгаши раиси Расулжон Мухторов, — Ўзбекистон бўйлаб давом этаётган акцияни қўллаб-қувватлаймиз. Яшилликка нима етсин. Инсон саломатлигининг асоси ҳам табиат эмасми!?

— Очиғи, бу ҳаракат кўнглимиздаги иш бўлди. Тоза ҳавони, мусаффо табиатни ўзимиз яратамиз, — дейди фарғоналик меҳнат фахрийси Толибжон Олимов. — Қишлоқ жойларнинг табиати ўзгача. Марказларни ҳам шундай ҳолга келтириш учун дарахтлар билан бойитиш керак. Томорқамизда 50 тупдан ортиқ манзарали кўчат етиштиргандим. Маҳалладошларимизга тортиқ қилдим. Кўчаларимиз обод бўлиши баробарида табиат янгиланади, тоза ҳаводан нафас оламиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бахт индексини белгилашда экологик омиллар етакчи ўрин тутди. Яшил олам қанчалик катта ҳудудни эгалласа, осмонимиз мусаффо бўлади. Шу сабаб биохилма-хилликни асраш, яшил оламни кенгайтириш долзарб вазифага айланди. Сиз ҳам бу йўлда биргаликда қадам ташланг. Зеро, бугун экилган кўчатлар келажак сари қўйилган тамал тошидир.

А. НАЗАРОВ.

КРИПТОВАЛЮТА ЙИҒИШНИ ТАҚИҚЛАШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ


Швеция молиявий назорат бошқармаси бошлиғи Эрик Теден ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш агентлиги раҳбари Бёрн Райзингер Евроиттифоқ ҳудудида Proof-of-Work (PoW) алгоритми орқали криптовалюта майнинги билан шуғулланишни тақиқлаш таклифи билан чиқди.

Уларнинг фикрича, криптовалюта йиғиш атмосферага йилига 120 млн. тонна исгази ажралиб чиқишига олиб келади.

Proof-of-Work алгоритми транзакцияларни тасдиқлаш ва янги блоклар яратиш учун қўлланади. Ҳозирда биткойн, Ethereum, Litecoin, Dogecoin, Monero ва бошқа криптовалюталар PoW алгоритмида ишлайди.



ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР




ВАКЦИНАНИ ОРГАНИЗМГА ИГНАСИЗ КИРИТУВЧИ РОБОТ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Канаданинг Cobionix компанияси мушак остига инъекцияларни шприц игнасииз кирита олувчи биринчи роботни тақдим этди.

Робот Cobi деб аталган ва унга вакцинани одам танасига киритиш учун игна талаб этилмайди. Бунинг ўрнига қурилма вакцинани инсон сочи толасидек қалинликдаги оқим билан юқори босимда организмга киритади.

Робот 3D-датчик эвазига ёнида одам борлигини аниқлай олади. Шундан кейин ундаги манипулятор LiDAR технологияси ёрдамида одам танасининг уч ўлчамли суратини яратади. Ушбу сурат сунъий онг томонидан қайта ишланади ва робот керакли жойга вакцинани юборади.



ҚИСМАТИ БИР ШАҲАРЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Иқлимни ўрганувчи Climate Central ташкилоти маълумотларига кўра 2030 йилга келиб сув остида қолиши мумкин бўлган шаҳарлар орасида биринчи ўринни Нидерландия пойтахти Амстердам эгаллаб турибди.



Мамлакатнинг яна иккита шаҳри – Роттердам ва Гаага сувга ғарқ бўлиш хавфи остида. Рўйхатдаги иккинчи ўринни Ироқнинг Басра шаҳри эгаллади. Шаҳар Форс кўрфазига қуйиладиган Шатт ал-Араб дарёси бўйида жойлашган.

Кейинги ўринда АҚШнинг Миссисипи дарёси бўйидаги Янги Орлеан шаҳри турибди. Хабарга кўра, сув ҳайдаш каналлари тизимининг ривожланганига қарамай, шаҳарга сув босиш хавфи таҳдид солмоқда.

Венеция рўйхатдаги тўртинчи ўринни банд қилган. Ҳар йили шаҳарда ер сатҳи 2 миллиметрга пасаяди. Бешинчи ўриндан Вьетнамнинг энг йирик шаҳри Хошимин жой олган. Охирги олтинчи ўринни Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри эгаллаган.

Британияда рентгенолог мутахассислар етишмаётгани сабабли рентген суратларини ўқиш ва таҳлил қилиш учун хорижга юборилаётганлиги айтилмоқда. Суратларнинг 14 фоизи Австралия ва Янги Зеландияга юбориларди.

РЕНТГЕНОЛОГЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ САБАБЛИ

Қироллик радиология коллежи маълумотларига кўра, ҳозирда Британияда 1 минг 939 нафар радиолог шифокор етишмаяпти. Мутахассислар ҳукумат шифокорлар тақчиллигига барҳам бермаса, унда бунга беморлар ўз чўнтагидан ҳақ тўлашига тўғри келишидан огоҳлантиришмоқда.

Таъкидланишича, Европанинг бошқа давлатларига нисбатан Британияда рентгенолог шифокорлар тақчиллиги анча юқори даражада бўлиб, мамлакатнинг 100 минг аҳолисига бор-йўғи 9 нафар рентгенолог тўғри келади. Европада бу кўрсаткич ўртача 12 нафар мутахассисни ташкил қилади.



Тувалу давлати ташқи ишлар вазирини БМТнинг Глазгодаги иқлим бўйича конференцияси учун мўлжалланган нутқини тиззасига сува турган ҳолатда ўқиб берди.

ВАЗИР НУТҚИНИ СУВ ИЧИДА ЎҚИБ БЕРДИ



Ноодатий ҳолатда нутқ сўзлаган Саймон Кофе шу орқали мамлакатнинг денгиз сатҳи кўтарилишига қарши курашишга эътибор қаратди.

Кофенинг қайд этишича, Тувалу иқлим ўзгариши ва денгиз сатҳи кўтарилиши оқибатларига қарши курашиб келмоқда.

Тувалу – Тинч океанида жойлашган орол-давлат бўлиб, аҳолиси 11 минг 206 нафарни ташкил этади.

Болгариянинг Свиленград шаҳрида аҳоли кетиб қолишини тўхтатиш мақсадида уй қуриш учун бўш участкалар бепул берилиши маълум қилинди.

Мазкур янги дастур ёш оилалар ва бошловчи мутахассислар учун мўлжалланган. Маҳаллий ҳокимият шу йўл билан аҳоли кетиб қолиши муаммосини ҳал қилмоқчи.

Қайд этилишича, ноқулай шароитда яшаётганлар ва шахсий

КЕТМАГАНЛАРГА БЕПУЛ ЕР БЕРИЛАДИ

уй-жойга эга бўлмаганлар бепул ер олиши мумкин.

Қурилиш учун майдондан ташқари, барча зарур рухсатномалар ва тасдиқланган архитектура режасидан иборат ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Ҳозирда Болгария аҳолиси сони бошқа мамлакатларникига нисбатан тез камаймоқда. Свиленград шаҳрида ХХI аср бошида 19 мингдан ортиқ киши яшаган бўлса, ҳозирда 16 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади.

Ҳ. РАШИДОВ тайёрлади.



“Намкорбанк” АТБ “Истиқбол” филиали ҳақида гап борганда Акбаржон Холматовнинг ҳаёт йўлини ибрат қилиб кўрсатиш ўринли. Боиси филиалнинг каттаюкичилиги уни ўзига устоз деб билади ва иши, турмуш тарзи, ҳатто юриш-туришидан ибрат олади.

ИБРАТ МАКТАБИ

Акбаржон Холматов 1967 йилда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида туғилган. Банк соҳасидаги фаолиятини 1989 йилда “Агробанк” нинг Қорақушчи бўлимида оддий кассирликдан бошлаган. Тиришқоқлиги, изланувчанлиги билан юқори лавозимларга кўтарилган. Соҳанинг сир-асрорларини ўрганиш асносида бой тажрибага эга мутахассис сифатида шаклланиган биз ёшлар учун ўрнак.

2000 йилда “Намкорбанк”нинг Фарғона филиали номи билан фаолият юритган бугунги “Истиқбол”да бош ҳисобчиликдан ички назорат етакчи мутахассиси лавозимига йўлдан одимлаб келаётган ҳамкасбимиз ҳар қандай вазиятда ўз вазифасига содиқ ходим бўлганлиги билан эътиборли. Айниқса, феъл-атворидаги соддалик, масъулиятлилик, ҳалоллик, инсонийлик, фазилатлари сабаб кўпчиликнинг ҳурматига сазовор. “Намкорбанк” нинг 30 йиллик юбилейи арафасида кўкрак нишони билан муносиб тақдирланганида ҳаммамиз қувондик. Бу эътибор ва рағбат бар-

чамизники эканлигини ҳис қилдик. У гарчи табиатан камтар, вазмин инсон қиёфасида кўринсада, хушчақчақ ва фикри теран, кўпни кўрган суҳбатдош, ибрат бўлгучи устоз ҳамда ҳокисор инсондир.

Йиллар давомида Акбаржон Холматов банкдаги ёшларга мураббийлик қилиб, ўз маслаҳатларини бериб келмоқда. У кишидан касб сирларини ўрганиб, юқори лавозимларда ишлаб келаётган шогирдлар талайгина. Истиқбол филиали бошқарувчиси Аҳроржон Мўйдинов ҳам Акбаржон аканинг шогирдларидан.

Мен ҳам 11 йилдирки, А. Холматов билан бир жамоада ишлаб келаётганимдан фахрланаман. Шундай фидойи устоз ҳамкасбларимиз юксак марраларга етишишимизга доим кўмакдош.

Шаҳноза ИМОМОВА,
филиал менежери.

АЛЛО, ТАХРИРИЯТМИ?



Тахририятга кўнғироқ бўлди: гўшакдан ўзини Мардонқул Ҳасановман, дея таништирган киши газетамиз ҳақида фикрларини билдирди:

ГАЗЕТАНГИЗНИ СЕВАМАН...

— “Намкор press” ни 2017 йилда илк бор қўлимга олганимда очиғи жа қизиқвормадим. Бирма-бир варақлаб чиқдим. Бироқ, мен ўйлаганчалик зерикарли эмас экан. Шундан буён ҳар йили ҳамроҳим. “Намкорбанк” АТБ фаолияти, “Турмуш чораҳалари”даги воқеа-ҳодисалар, юртдошларимиз ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, дунё ва спорт янгиликлари, тиббиёт, психологик ҳамда ибратли, тарбиявий аҳамиятга эга мақолалар билан танишиш асносида маънавий озуқа оляпман. Оиламдагилар ҳам газетанинг ҳар бир сонини қолдирмайди, севиб ўқишади.

Узоқ йиллар Ички ишлар тизимида ишладим. Ҳар хил ишларни, турли тоифадаги, характердаги инсонларни кўрдим. Газетачилар ёзганларини ҳаётдан, одамлар орасидан олишларига амин бўлдим. Уларнинг иши машаққатли эканлигини ҳис қиляпман. 2022 йил учун яна обуна бўлдим. Насиб қилса, ҳар бир сонини ўқийман. Сизларнинг ижодий ишларингизга муваффақиятлар тилайман. “Қаламингиз ёзишдан тўхтамасин!”.

Ижод аҳли учун мақтов ёқимли, албатта. Айниқса, одамлар бугунги ижтимоий тармоқлар билан “дўст” тутинган паллада. Мухлисимизнинг илиқ сўзларидан кўнглимиз яйради ва яна хуш кайфият ила газетанинг кейинги сони учун мақола ёзишга киришдим.

НИЛУФАР.

ЯНА ИМКОНИАТ

Ҳукумат қарорига мувофиқ Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Унга кўра, камида 5 йил иш стажига эга фуқаролар ўқишга кириши учун тавсиянома берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари рўйхати ҳар йили 1 июлгача тасдиқланиб, ОАВда эълон қилинади. Ва тегишли тавсияномага эга фуқаролар 20 июлдан 10 августгача Давлат тест марказининг махсус электрон

СУҲБАТ АСОСИДА ҚАБУЛ

тизими орқали рўйхатдан ўтказилади.

Бу муддатдаги суҳбат натижаларига кўра 100 баллик баҳолаш мезонида 55 балл ва ундан юқори балл тўплаган абитуриентлар ОТМ ректори (директори) буйруғи билан табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талаба-

ликка тавсия этилади.

Низом олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига, Ўзбекистондаги хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларига ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мазкур тартиб 2022 йил 1 майдан кучга киради.

«Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар заҳирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, Олимпия заҳиралари коллежлари негизида таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос таълим муассасаси шаклидаги Олимпия ва Паралимпия заҳиралари коллежлари ташкил этилади.

Шунингдек, Республика Олимпия заҳиралари коллежи базасида уч йиллик “специалитет” дастурини амалга оширадиган давлат ОТМ шаклидаги ихтисослаштирилган Олий спорт маҳорати институти ташкил қилинади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ СПОРТ МАҲОРАТИ ИНСТИТУТИ

Институтга фақат Олимпия ва Паралимпия заҳиралари коллежларини битириб Олимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзолари бўлган ёшлар спорт натижаларига қараб ҳамда селекция бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

2022 йил 1 августдан ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) махсус спорт тизимини бошқариш платформаси орқали амалга оширилади.

“Global finance” халқаро молиявий журнали таҳлилуға кўра, “Standard Bank” 2021 йилда Африкадаги энг яхши банклардан бири сифатида эътироф этилди. Баҳолашда банкнинг ўтган йилдаги фаолияти, обрўси, бошқарув мукамаллиги, рақамли трансформация ва корпоратив фуқаролик соҳасидаги ишларига эътибор қаратилди.

Дунё банклари

АФРИКАДА ЭНГ ЗЎРИ

Мукофотлашда банкнинг 150 йилдан ортиқ фаолияти давомида ишлаб чиққан стратегияси, COVID-19 пандемияси давридаги кўрсаткичлари ва ўзи фаолият юритаётган бозорларда амалга оширилаётган асосий ташаббусларни чуқур тушунгани ҳам инobatча олинди. Бундай ташаббуслардан бири банкнинг “OneFarm” платформаси бўлди.

“OneFarm” фермерларнинг ортиқча маҳсулотларини сертифициланган озиқ-овқат олувчиларга мослаштириш учун рақамли агросавдо платформалари билан ҳамкорлик қилди. Бунда озиқ-овқат арзон нархда сотиб олинади ёки фермерлар томонидан хайрия қилинади. Кейин талабгор ташкилотларга берилади. Мазкур платформа аллақачон Жанубий Африкадаги 6 миллион аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари



билан таъминлади. Бундан ташқари, Standard Bank ва Salesforce ўртасидаги ҳамкорлик иккала ташкилотга мижозлар учун махсус ечимларни биргаликда яратиш имконини берди.

“Ушбу мукофот ва эътироф мижозларимизнинг бизга бўлган ишончидан далолат беради ва биз 2022 йилни интиқлик билан кутар эканмиз, бутун Африка бўйлаб мижозларимиз учун кўпроқ ечимларни яратишга ва уларга ўз мақсадларига эришишга ёрдам бериш-

га эътибор қаратамиз” дейди ижрочи директор Sim Tshabalala.

“Standard Bank” 1862 йилда Жанубий Африкада ташкил топган. Ҳозирда Африканинг 20 та мамлакатиде ўзининг шуъба банклари ва Liberty суғурта компанияси ҳамда Melville Duglas активларни бошқариш компаниясига эга йирик ташкилотдир.

Мазкур йирик банк тармоғига 1 минг 124 та филиал ва 6 минг 774 та банкомат киради. Африканинг жанубий, ғарбий ва

шарқий қисмидаги шуъба банкларидан ташқари, Пекин, Лондон, Нью-Йорк ва Сан-Паулуда ваколатхоналари мавжуд.

2020 йил охирида активлари 2,53 триллион Жанубий Африка рэндинини (166 миллиард доллар)ни ташкил этди. 2020 йилда олинган 124 миллиард даромаднинг 108 миллиарди банк фаолияти, 15 миллиард рэнди эса суғурта томонидан келтирилди.

НИГОРА тайёрлади.

“Hamkorbank” АТБнинг Чинобод филиали 1996 йилда “Андижонбанк” ОАТБ Амалиёт бошқармасининг Чинобод мини банки сифатида хизмат кўрсата бошлаган. 2000 йилда мини банк филиалга айлантирилади ва фаолиятининг илк даврларидаёқ Балиқчи тумани аҳолисининг ишончини қозонади.

РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛИДА МУВАФФАҚИЯТЛАР



Уша даврда 56 нафар юридик мижознинг банкимиз аъзосига айланиши катта муваффақият эди. Ҳозирда уларнинг сони 2 минг 105 нафарга етди. “DIYOR FREE”, “Кимё-файз”, “MAXSUDXON-MURTAZOXON BIZNES” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда “Диоген Люкс”, “Бал Муслим курувчи” хусусий корхоналари ва бошқа юздан ортиқ корпоратив мижозларимиз ажратилган кредитлар эвазига ривожланмоқда.

Яратилган шароитлар, намунали хизмат, изланувчан ва билимли ёшларнинг ташаббускорлиги туфайли улар ҳамisha биздан мамнун.

Масалан, “Намкор люкс” МЧЖ Чинобод филиали билан ўзаро фойдали ҳамкорликка киришган 2010 йилдан буён 10 марта, яъни 2 миллиард 50 миллион сўм кредит маблағи олди. Шу маблағлар туфайли қўлга киритган ютуқлар эвазига банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга муваффақ бўлаётди. Банк кредитлари харажатлар учун эмас, балки корхонанинг янги ва замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, фаолиятини кенгайтириш каби истиқболли мақсадлар учун сарфланяпти.

2020 йилнинг 3-чорак якунида 788 та актив мижози-

миз бор эди. Жорий йилда бу кўрсаткич 953 тани ташкил этди. Фойда ҳам шунга яраша. Шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида 312 та юридик мижозга 39 миллиард 590 миллион сўм миқдорида корпоратив, 2 минг 64 нафар жисмоний шахсга эса 34 миллиард 956 миллион сўмлик истеъмол, 21 нафар жисмоний шахсга 3 миллиард 504 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Рақамлар таҳлилида кўринган муваффақиятлар ҳамкасбларимизга куч-ғайрат ва шижоат беряпти.

Мўъжазгина кутубхонада муталага вақт топаётган ҳамкасбларим “Hamkor press” газетасини ўзларига яқин дўст деб биладилар. 2022 йил учун обуна ташкил қилишда ҳам пешқадамимиз. Зеро, газета дунё воқеалари, янгиликлар ва филиаллар фаолияти билан танишиб бориш имконини беради.

Маҳсудали БАРАТОВ,
Чинобод филиали
Корпоратив хизматлар
бўлими бошлиғи.

Самарқанд давлат университетида ўқиб юрган кезларимиз иш фаолиятимизни қандай бошлаш борасида курсдошлар кўп суҳбатлашардик. Юқори босқичда таклифлар бўла бошлади. Кимдир давлат идораларини, кимдир хусусий секторни танлади. Менда банк тизимига қизиқиш ортди.



ЖАМОАДАН КУЧ ОЛДИМ

Тўғри, бошқа банкларда ҳам ишлашим мумкин эди. Амалиётни “Hamkorbank” АТБ нинг Каттақўрғон филиалида ўташ даврида айнан шу банкда ишлашга аҳд қилдим. Аниқроғи, жамоадаги муҳит, ходимларга бўлган эътибор ва юқори хизмат сифати менга куч берди.

Танловда қатнашиб, ишга қабул қилиндим. Очиғи, ўзим истагандек жамоа бўлгани учун ҳам қийинчилик сезмадим. Қайтанга ҳамкасбларимнинг ҳар бири устозга айланди. Кимдандир муомала маданиятини, кимдандир ташаббускорликни ўргандим. Айниқса, Носиржон Гулмуродовнинг кўрсатмалари касбимни тез ўзлаштириб олишимга туртки бўлди.

Ҳозирда менежер сифатида иш олиб бораётман. Режаларим катта. Асосийси, танловда адашмадим. Олдимда жамоа ишончини оқлашдек масъулиятли вазифа турибди. Устозларим кўмагида бу синовдан муваффақиятли ўтаман.

Суннатилло МАҲМУДОВ,
Каттақўрғон филиали чакана бизнес бўлими менежери.

Ўз автомобилига эга бўлишнинг завқи бўлакча. Бу борада биз сизнинг кўмакчингизмиз. Маълум иш жойи ва даромадга эга фуқаролар шахсий автомобиль сотиб олишлари учун муаммо йўқ. Банк кредити эвазига янги автомашина эгаси бўлади-қўяди. Жорий йилнинг 10 ойида шу мақсадда 59 та шартнома имзоланди. Йил охирига қадар бу рақамнинг ўсиши табиий.

Йирик лойиҳалар қурилиши билан шуғулланувчи ташкилотлардан 6 таси кредит эвазига бино ва иншоотлар қуриб, давлатимизнинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Банкнинг бу сингари эътиборга молик ишлари кўп.

Якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор мижозларнинг янги иш ўринлари яратишида ҳам молиявий кўмакчимиз. Касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган ёшларнинг 6 нафари тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

МОЛИЯВИЙ КЎМАК САМАРА БЕРМОҚДА

кредит маблағлари билан таъминланди. Йил бошидан ҳозирги кунга қадар мустақил равишда бизнес юритиш ҳамда янги иш ўринлари очиш учун 740 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Айни пайтда оила-

вий тадбиркорлик қилиш учун 499 миллион сўм, ёш оилалар учун 943,13 миллион сўм миқдоридаги кредит папкаси яратилди.

Аҳолининг бўш ва эҳтиёждан ташқари пуллари эвазига банкка қўйилган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортаётди. Қолдиқ омонатлар ҳажми бундан 4 йил муқаддам 5 миллион 904 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу рақам ҳозирда 17 миллион 677 минг сўмга етди. Шу билан бирга 4 йил муқаддам омонат қолдиғи таркибини ташкил этувчи 1 миллион 81 минг АҚШ доллари бугунги кунда 1 миллион 200 мингга тенг. Хорижий валюта жамғармаси ҳам банк муассасаси капитали қаторидан жой олди.

Пойтахтда йирик лойиҳалар қурилиши билан шуғулланувчи “Health Line” ҳамда “Superior In-Business”, “Asia Avto Plus” “Extra Magnit Service”, “Ottica Limited”

“Milliy Qurilish Ta'mirlash” ва “Moment Prosper”, “Nazira fayzli savdo” МЧЖлар доимий мижозимиз. Улар узоқ йиллардан буён биз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Яна йирик молиявий ҳамкорларимиз, катта миқдорда кредит маблағларини олувчи “Инсоф”, “Health Line”, “RG-Invest” масъулияти чекланган жамиятлари интизомли мижоз мақомига эгадир.

Филиалимиз тадбиркорлар билан ҳамкорликни янги ва юқори поғоналарга кўтариш билан юртимиз равнақига ҳисса қўшиш, аҳоли турмушини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Санжар АҲМЕДОВ,
Янгийўл филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.



ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА, МУВАФФАҚИЯТ МУҚАРРАР

Чустликлар азал-дан тадбиркор ва хунарманд, Молия муассасалари уларнинг доимий ҳамкори. Тез ва сифатли хизмат кўрсатилгани учун ҳам кўпроқ бизнинг филиалимизга мурожаат қилишади. Бунинг боиси, филиалда ўз касби-га садоқатли ва фидойи, ғайрат-шижоатли инсонлар ишлайди.



Равшанбек Турғунов ҳамкасбларимнинг энг фаоли. Унинг бир ўзи шу йилнинг 10 ойида 395 нафар мижозга 10,7 миллиард сўмлик кредитлар расмийлаштирди. "Hamkorbank" АТБда энг кўп ипотека кредит ажратувчи ходимлар қаторида туришининг ўзи биз учун фахрли. 37 нафар мижозга 3,3 миллиард сўмлик ипотека кредити ажратишга муваффақ бўлди.

Рақобат кучлилигига қарамасдан иқтисодий кўрсаткичлар йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Бош банк томонидан ойига 700 миллион сўм режа кўрсаткичи қўйилган. Бу ҳар доим ортиғи билан бажарилади. Ўтган йилги карантин даври ҳам кўрсаткичларимизга таъсир қилмади. Муҳими кредит портфелидаги муаммоли кредитлар деярли йўқ.

Албатта, юқоридаги муваффақиятлар ҳамкасбларимизнинг ўз ишига масъулият билан ёндашининг натижаси. Жамоага жонқуяр, ўз соҳасининг билимдон ва изланувчан мутахассиси Саиджон Содиқов раҳбарлик қилар экан, ютуқлар салмоғи ортиб, камчиликлар барта-раф этилади.

Йирик мижозларга кредитларни корпоратив хизматлар бўлими ажратади. В. Шодмонов кўмагида биргина "TRANS AG" масъулияти чекланган жамияти учун 193 минг евро миқдорида маблағ берилди. Корхонанинг 5 та асосий воситаси 8 тага етди ва қўшимча 3 та янги иш ўрни яратилди. Фаолияти янада кенгайтирилиб, қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Банкнинг муваффақиятлар омили шуки, чакана бизнес, корпоратив ва ундирув, касса операциялари ҳамда мидл ва бек офис бўлимлари мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Қайси бўлимга эътибор қилманг, ўзининг доимий мижозларига эга. Айниқса, жисмоний шахсларни кредитлаш йўналишида мижозлар оқими кўпчиликти ташкил қилади. Буни рақамларда кўрадиган бўлсак, йил бошида жисмоний шахслар учун ажратилган кредит портфели қолдиғи 23,2 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 42,1 миллиардни кўрсатмоқда. 10 ой давомида жами 1 минг 684 та мижоз учун 35,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Жамоамиз аҳиллиги ва бирдамлиги билан яхши натижаларга эришяпти. Шундай ишласак, муваффақиятлар ҳамиша ҳамроҳимиз бўлиши муқаррар.

Музаффар ҒАФФОРОВ,
Чуст филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

Юртимиздаги қадимий ва муқаддас жойлар дунё аҳлини лол қолдиради. Улар ҳақида биз қанчалик маълумотга эгамиз? Бу бебаҳо бойликлар тарихи кўпчиликти қизиқтириши табиий.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, газетамизда "Ўзбекистон бўйлаб" лойиҳасини ташкил этдик. Мақсадимиз тарихий ва муқаддас қадамжолар билан сиз газетхонларни таништириб бориш. Бу йўлда тарихчи олимлар, мутахассислар ва ижодкорлар бизни қўллаб-қувватлашига ишонамиз. Энг яхши мақола муаллифлари алоҳида рағбатлантирилади.

Лойиҳа доирасидаги дастлабки мақола Навоий вилояти, Нурота туманидаги "Нур чашмаси" ҳақида.

"Нур чашмаси" табиатнинг ноёб тўхфаси бўлиб, у бир неча минг йиллар давомида она заминга обиҳаёт, инсонлар қалбига нур бағишлаб келади. Чашма 20 x 30 метрли дарғот – ҳовуздан иборат бўлиб, у шимолга томон оқади. Суви дастлаб иккига бўлинади ва улар "Оби роста" ҳамда "Оби чаппа" деб номланади.

"Оби роста" ўз навбатида: "Марғи қози", "Марғи хоний"; "Оби чаппа" эса: "Марғи миришкор", "Марғи миргадо" ариқлари орқали шаҳарга тарқалади. Қадимдан шаҳар аҳолиси чашма сувидан унумли фойдаланган. Қиш фаслида тўрт ариқ суви шаҳардаги тўрт ҳовузга тўпланган. Улар ҳозир сақланиб қолмаган.

Чашма суви тоғ ичидан, тошлар орасидан сизиб ўтаркан, ана шу тошлардаги турли хил кимёвий бирикмалар, тоғ жинсларидаги ҳар хил элементларни эритиб ўзи билан олиб келади. Минераллашган сувлар ер юзига чашма бўлиб отилиб чиқади.

"Нур чашмаси" Ўзбекистоннинг энг серсув чашмаларидан бўлиб, ундан бир сонияда 380-400 литр сув қайнаб чиқади. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган. Чашма суви хуштаъм, ҳидсиз, рангсиз, юмшоқ, ширин бўлиб, унинг таркибида хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий каби 20 хил микроэлементлар борлиги аниқланган. Ҳарорати эса ҳайратомуз: қишин – ёзин доимо +19,50 С°.

Рус олими Н. А. Кенесарин "Нур чашмаси" таркибида бир қанча микроэлементлар ва кимёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, бу инсон организми учун зарур бўлган шифобахш сувдир" - деб ёзган. Атрофидаги табиий - антропоген ландшафт - ноёб қўриқхонадир. Бу



"НУР ЧАШМАСИ"

ёки сувни тозалайдиган "авлиёбалиқлар"



ерда табиий (чашма ландшафти), биологик (шоҳбалиқлар), меъморий (масжидлар), археологик (Нур қалъаси), тарихий (нур тарихи шу ердан бошланади), тиббий (шифобахш сув) ёдгорликлар бетакрорлиги, уйғунлиги билан дунёда ягонадир.

Чашма Ўзбекистон халқининг ардоқли гўшасидир. Унинг ғаройиб мўъжизали қудрати олдида лол қолади киши. Айниқса, баҳор ойларида эрталабки кўшнинг шаффоф нури таъсирида чашма узра пайдо бўладиган беҳисоб сержило нурлар барчани сеҳрлаб қўяди. Табиий-илоҳий нур таъсирида сув юзасига кўтарилган балиқлар ўзининг қувноқ рақси билан порлаб турган нурни янада ёғдулантиради. Чашма узра товланаётган нурни ҳар куни минглаб одамлар ҳайрат билан кўришади ва ушбу сирсинаотнинг гувоҳи бўлишади.

"Нур чашмаси"даги балиқлар Ўрта Осиёда мавжуд 110 тага яқин балиқлардан бири саналади. Улар чашма ҳовузида ва ариқларда бемалол сузиб

юришади. Бу балиқлар фанда "маринка", маҳаллий халқ тилида "ширмоҳи" деб юритилади 20 йил умр кўради. Уларнинг 60 см. узунлиқдагилари ҳам учраб туради. Бошқа балиқлар сингари ухламайди, тинч ҳолатда дам олади. Балиқларни боқиш мақсадга мувофиқ эмас. Чашмага ҳар қандай буюмларни ташлаш зарарли. Балиқлар чашма сувида мавжуд бўлган минерал ва микроэлементлар билан озиқланишга мослашган. Бу балиқлар табиатнинг бетакрор мўъжизасидир.

Маҳаллий халқ ва саёҳатчилар балиқларга озор етказмайди. Балиқ учун энг аввало, тоза сув зарур. Уларни чеклаб қўйиш, қамаб боқиш керак деган фикрга қўшилиш қийин. Булар кўчиб юрвчи балиқлардир.

"Нур чашмаси" она табиатнинг инсонлар учун яратган бебаҳо тўхфаси бўлса, чашма балиқлари унинг бетакрор мўъжизасидир. Балиқлар чашманинг асосий кўзлари, бошқа кўзга кўринмас минглаб кўзлардан чиқадиган кимёвий минералларга ва тез-тез ҳар жойдан чиқиб турадиган кислородга ўч. Шунинг учун қаердан сув, кислород чиқса, балиқлар ўша жойга ёпирилади, мириқиб нафас олади, роҳатланади ва ўша жараён яна такрорланиши учун чашма кўзларини тумшуклари билан чўқилаб, ялаб, тозалаб, янги сув кўзларини ихтиро қилишади. Чашмадаги сувнинг миқдори балиқларга боғлиқ.

Лазизбек БОЗОРОВ,
"Нурнома" газетаси муҳаррири.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Пойтахтдан келган меҳмонлар билан боғдаги чорсупада ҳангомалашаётган Тожддин ака боядан бери индамай ўтирган ўсмирни ҳам гапга солмоқчи бўлди. Аммо, сочини ўз таъбири билан айтганда “Бэкхемча услуб”да қилиб олган ёш йигит: “Ну, меники яхши тушунмайди”, дейишдан нарига ўтмади. Унинг ўрнига тўрида ўтирган ўрта ёшдаги меҳмон хотиржамлик билан деди: “Биззи Муратчик детсадга қатнаган, ҳозир русский школада ўқивотти. Так что, унга ўзбекча гапириш безпалезно”. Мезбон: “Ие, шундайми? Ҳай, майли”, деганча бошқаларга юзланди.

Кейинчалик Тожддин акадан бу гапни эшитгач, беихтиёр ўтган асрнинг 70-йилларида саёҳат илинжида Гуржистонда бўлган Абдусоли аканинг сафардаги кечинмаси ёдимга тушди.

— Тоғ ёнбағрида жойлашган шаҳарчада гуржиларнинг машхур кабобидан тановул қилиш мақсадида миллий шаклу шамойилда қурилган тамад-

гапира бошлади. Кутилмаганда таққа тўхтаб: “Эй, дўппили одам, ўзингнинг ажойиб тилинг турганда нима қиласан русчада қийналиб гапириб?” дея менга ўзбекчалаб дашном берса бўладими?!! Ҳайратдан қотиб қолдим. Олис юртда сенга она тилингда гапиришса жа-а ғалати бўп кетаркансан киши. Буёғи унданда қизиқ бўлди.

КУТИЛМАГАН
МЕҲМОННАВОЗЛИК

дихонага кирдим, — деган эди қўшнилари билан суҳбатларнинг бирида ҳамқишлоғим. — Ўнча одам навбатда турибди ва мен ҳам қаторга қўшилдим. Навбатим келганда ҳар турли зираворлар сепилган, ҳар бири икки қаричдан келадиган шашликдан икки дона олмоқчилигини айтдим. Гавдали, шопмўйловли кабобчи ихчам елпиғични арча чўғлари узра айлантеришдан тўхтаб, қалин қошларини чимирганча “Бор, жўна!” дегандай қўли билан ташқарига ишора қилди. Тушунолмай елка қисдим. У эса грузинчалаб нималардир ёлдираб, бояги ҳаракатини яна такрорлади. Ортимда турганлар эса хушбўй емишни бирма-бир ола бошлашди.

Қайсарлигим тутиб яна навбатга турдим. Қирмизи тусга кирган шашликлар терилган узун кўра ёнига етгач, бояги сўровимни такрорладим. Оқ халатли барзанги ишдан тўхтаб, бир муддат менга аччиқланган кўйи тикилиб турди. Сўнг қўлларини юқорига кўтариб, яна нималарнидир куйиб-пишиб

Хуллас, шашликпаз айтганидай мурожаат қилдим. Унинг чехраси бирдан ёришиб, мўйловини мамнунлик билан силаб қўйди ва “Бу ёққа ўт!” деган маънода бир четдаги столни кўрсатди. Сал ўтмай иккита ўрнига тўртта шашликни ёнимга кўтариб келди, ҳар турли мева-резаворлар, ғаройиб ичимликлар билан дастурхонни безаттирди. Таажжубим баттар ошди. Буни сезган мезбон кулмисираб деди: “Сен бугун азиз меҳмоним бўласан, биродар. Бу ерга келганингаёқ Ўзбекистондан эканлигингни сезганман. Бошдаги дўппинг, қуёшда қорайган самимий қиёфанг менга яхши таниш ва қадрли. Бундан анча йиллар аввал Андижоннинг Кампировот деган жойида сув омбори қурилишида ишлаганман. Ўзбеклар билан танишдим, дўст тутиндим, бирга яшадим. Шунча йил ўтиб, яна ўзбекка дуч келаман, деб сира ўйламагандим. Билсанг ўзбекча гаплашишни соғинганман. Кел, беғубор ва самимий гаплардан гапир энди...”

Кутилмаган меҳмоннавозлик ниҳоясида Резико менга уқтирди: “Бизнинг Сакартвело (Грузиянинг маҳаллий номланиши)нинг қай жойида бўлсанг, ўз тилингда мурожаат қил. Одамларимиз ўз тилини ҳурмат қилганларни эъзозлашади”.

Дарҳақиқат, тил — миллат кўзгуси, руҳи мужассам бебаҳо неъмат. У давлат тимсоли, мулки, миллатнинг маданий ва маънавий бойлиги, халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир.

Дунё тилларини сақлаб қолиш, маданий, интеллектуал мероснинг йўқ бўлиб кетиш хавфининг олдини олиш мақсадида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан 1999 йил ноябрда “21 февраль — Халқаро она тили куни”, деб эълон қилинган.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон аҳли бугунги кунда 7 мингдан зиёд тилда гаплашади. Уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан, холос. Ўтмишда 9 мингдан ортиқ тил мутлоқ йўқолиб кетганлигини унутмаслик лозим. Бирор бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак, дейди соҳа мутасаддилари. Айрим манбаларга кўра, Ер юзиде 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу рақам она тилимизнинг умрбоқийлигининг мустаҳкам эканлигидан далолат.

Мақоламга нукта қўйишдан аввал пойтахтлик “Муратчик” (яъни Муроджон) ни хаёлан тасаввур қилишга уриндим. Исми шарифию, миллату насаби ўзбек. Лекин она тилида бир оғиз калима айтишга ожиз. Меҳрибон адасининг айтишича, икки-учта хорижий тилларни ҳам ўрганишни бошлаганмиш. Майли, бу ҳол замона зайли, омадини берсин, илминию зеҳинию зиёда қилсин, исмига монанд муродига етсин. Аммо, боболардан қолган буюк неъмат — она тилисида қачон сўзлашаркин?

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

ОИЛА
ҲУҚУҚШУНОСИ

САВОЛ: *Хотиним билан 5 йил олдин ажрашганман. 1 нафар фарзандимиз бор. Хотиним боламни кўришимга йўл қўймайди. Бу тўғрими?*

И. АЗИЗОВ.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 66-моддасига кўра, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши бола-нинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда, бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

САВОЛ: *Мен никоҳдан ўтиш ҳақида ФҲДЁ бўлимига ариза бердим. Улар эса никоҳни қайд этиш учун 1 ойдан кейин қайта мурожаат қилишим кераклигини айтишди? Шу ҳолат тўғрими?*

Д. МАЖИДОВ.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасида, никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилиши, узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкинлиги, алоҳида ҳоллар (ҳомилдорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши, никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатилган.

Шунингдек, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги қонунда аниқ белгиланган.

САВОЛ: *Эрим билан ажрашганман, бошқа аёл билан қонуний никоҳда туради. Уларнинг фарзандлари бор. Мен билан эрим ўртамызда ҳам қизимиз бор. Қизимга суд орқали оталик белгиланган. Қонуний фарзандлари билан қизимнинг ҳуқуқи тенгми ёки қонуний фарзандларининг ҳуқуқи устунми?*

Ш. МАТМУРОВА.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61 ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда, оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Мазкур модда оталик отанинг ўз истаги билан ёки суд тартибда аниқлангандан сўнг, никоҳсиз туғилган болаларга никоҳда туғилган болалар билан тенг ҳуқуқларини беради. Болаларнинг насл-насаби факти боланинг отаси тўғрисидаги ёзув билан тасдиқланади, бу билан бола отанинг қариндошлари сирасига киради. Бу шуни англатадики, никоҳда туғилган болалар ота ва унинг қариндошларига нисбатан қандай ҳуқуқларга эга бўлсалар, никоҳсиз туғилган болалар ҳам худди шундай ҳуқуқларга эга бўладилар. Бу фақат мулк ва мерос ҳуқуқларигагина тегишлидир.

**Саволларга ҳуқуқшунос
Камолиддин АМАНОВ жавоб берди.**

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ



ЯПОН МАКТАБЛАРИДА

Японияда бошланғич синфдан то олтинчи синфгача “Ахлоқ томон йўл” дастури номли дарс ўтилар экан. Бунда ўқувчиларга фақат ахлоқ ва кишилар билан муомалани ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчи синфдан учинчи синфгача ўқувчилардан имтиҳон олинмайди. Чунки бу вақтда болани тарбия қилиш, ахлоқий тушунчаларни сингдириш ва шахсиятни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Япон ўқувчилари устозлари билан бирга ҳар куни 25 дақиқа мактабни тозалаш билан шуғулланишади. Бу уларни тозалikka диққатли бўлиб, камтарин тарзда ўсишларига ёрдам беради. Ўқувчилар мактабга ўзлари билан зарарсизлантирилган тиш чўткасини олиб боришлари керак. Чунки овқатдан сўнг тишларини ювишлари лозим. Шу билан ёшлиқдан саломатликларига эътиборли бўлишга кўниктирилар экан.

Мактаб мудирилари ўқувчилардан ярим соат олдин овқатланишади. Бу билан улар овқат болаларга зарар берадими йўқми, шуни аниқлаб беришар экан. Устозлар ўқувчиларни “Япония келажиги” деб билишади ва уларни “ҳимоя қилиш лозим” дея эътиқод даражасида қарашади.

Фаррошлар “Саломатлик муҳандислари” дейиладди. Уларга 5 мингдан 8 минг долларгача маош берилади. Ишга олишда ёзма ва оғзаки имтиҳондан ўтказиладди.

Фариштадек яна бир чақалоқ дунё юзини кўрди. Онасини қийнаб қўйишдан қўрққан шекилли, у шифокорлар ёрдამисиз туғилди. Орадан бир кун ўтиб, чақалоқ ўзини шаҳар чеккасидаги ташландиқ совуқ ерда кўрди.

Онаси: "Болажоним, оппоғим, ўғлим. Дунёга бевақт келдинг. Ҳозир замон жудаям ўзгариб кетган. Мен сен билан қаерга ҳам



мен йиғламаяпман, сенга шунақа туюлган шекилли. Мен ҳозир онагни олиб келаман. Сен фақат ухлаб қолма, баландроқ йиғла. Йиғла, тойчоқ, йиғла."

Чақалоқ: "Фариштам, ахир онажоним ухла дедилар. Ухлашим керак".

Бу орада шу жойга яқинроқдаги уйларнинг бирида навбатдаги жанжал:

— Азизам, хафа бўл-

Уйдан ёш оила чиқиб, йўлак бўйлаб тез юра бошлашди.

— Азизам, негадир сен ўзингни овора қиляпсан, қаёққа кетаётганингни ҳам билмаяпсан-ку.

— Азизим, худди кимдир қўлимдан тортиб кетаётгандек...

— Менга ваъда бер эртага ҳеч иш қилмасдан уйда дам оласан. Мен шифокорингга ҳам телефон қилиб айтаман.

— Жииииим кимнингдир йиғи овози эшитил-япти. Ҳа, ўша томондан чақалоқ овози эшитил-япти.

Фаришта: "Тойчоқ, қани бор овозинг билан бақир. Йиғла, оппоғим, йиғла!"

Чақалоқ: "Фариштам, қаёққа кетиб қолдинг? Мен совқотиб кетдим. Жудаям совуқ экан. Сени роса чақирдим. Онагни топдингми?"

Фаришта: "Йиғла, баландроқ йиғла онанг келяпти. У жудаям яқин қолди."

Аёл: "Эй худойим, бу чақалоқку, ким қўйиб кетти экан? Жудаям музлабди. Тезроқ уйга олиб кирайлик, тезроқ. Оҳларимиз Худога етиб борибди."

Чақалоқ: "Фариштам, онаминг овози ўзгарибди-ми?"

Фаришта: "Йўқ, беғуноҳ фариштагинам, бу сенинг ҳақиқий онангнинг овози..."

САРДОР.



ИККИ КЎШНИ

(Ривоят)

Бир замонлар ёнма-ён умргузаронлик қилган икки кўшни бор экан. Бири савдогар, бой. Иккинчиси ночорроқ ҳаёт кечирар экан. Унинг хотини норози бўлар, эрини нимадир қилишга даъват этар экан. Охири у ҳам савдогарлик қилмоқчи бўлиб, бир қоп пиёзни орқалаб йўлга тушибди. Узоқ йўл босиб бир юртга борибди. Бу юртдагилар пиёзни кўрмаган экан. Улар пиёзни еб кўришибди, экиб кўпайтиришибди. Бу ишларнинг доғруғи подшоҳга етибди. У пиёз олиб келган кишига бир қоп пиёз ўрнига икки қоп олтин беришни буюрибди.

У юртига қайтиб бой-бадавлат бўлиб кетибди. Энди кўшнининг тинчи йўқолибди. У кўшнисидан бир амаллаб қандай бойиб кетганини сўраб билибди. Бир қоп саримсоқ пиёз олиб ўша юртга етиб борибди. Еб кўришибди, экиб кўпайтиришибди. Ҳам овқат, ҳам шифобахш неъмат экан, деб роса мақташибди. Подшоҳ унга мукофот беришда роса ўйланибди, аёнларини саройга тўплаб маслаҳатлашибди. Аввалги савдогардек икки қоп олтин бериб кўяқолиш адолатсизлик бўлиши мумкин, дейишибди аёнлар. Охири олтиндан қимматроқ нарсга берайлик, деган маслаҳат билан подшоҳ унга бир қоп саримсоқ пиёзнинг ўрнига икки қоп пиёз беришни буюрибди...

...Ҳаёт йўллари шунчалар мураккаб, ўнқир-чўнқирлики, ўйлаброқ қадам босилмаса, бир хил йўлда ҳам биров қанд еса, бошқаси панд ейти.

ҲАБИБ СИДДИҚ.

"ОЙДАН ТУШГАН КҲЁВЛАР"

"Hamkor press"нинг 19-сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Оилавий маросимлар ва урф-одатлар муҳим аҳамиятга эга. Унинг илдизлари узоқ замонларга бориб тақалади ва бу анъана, маросим, урф-одатлар халқимизни бирлаштирувчи энг яхши сифатлардан бири. Аммо, биз орзу-ҳавас билан йиллаб тайёргарлик кўрган, энг гўзал урф-одатларимизни, аксар ҳолларда, оила иқтисодиётидан келиб чиққан тарзда эмас, балки "майли тўй яхши ўтсин, қолгани бир гап бўлар" ёки "таниш-билишлар орасида шарманда бўлмасам бўлди" қабилида ўтказиб келиш ҳамон давом этмоқда.

4 ўғлим бор. Кенжасини яқинда уйладим. 3 келиним сарпо-суруғи билан келиб, рўзгорини тўқис қилганди. Бу гал ундай бўлмади. Фарзандимнинг оиласи, рўзғори учун барча буюмлар, мебелларига-ча ўзимиз олдик. Ўғлим ишлаб, қолган кам-кўстини тўлдирар.

Ўтган йили пандемия муносабати билан тўйлари-миз бироз тартибга келгандай эди. Аммо чекловлар

МУНОСАБАТ

тугади, дея айрим инсонлар яна "ҳою-ҳавас" отига мингандай. Бироқ одамларнинг қарашлари бироз, йўқ-йўқ бироз эмас анчайин ўзгарди, десам адашмаган бўлман. Айниқса, йигитларимиз ҳамияти, ғурури кўтарилиб, ориятлилари кўпайди. Уларнинг ҳамияти олдида ҳаётда нафс қулига айланганлар камаймоқда.

Ёши улуғларимиз орқали миллий маросимлар ва удумларни "оила бюджети" ва "бозор иқтисодиёти"га мос равишда ўтказиш, шу билан, оиланинг келажаги ва истиқболига салбий таъсирларни олдини олиш кераклиги тушунтириляпти. "Хўжа кўрсинга" ёки "ким ўзар" учун эмас, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш учун ўтказилиши сингдирляпти. Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ишлари олиб бориляпти. Буларнинг ҳаммаси яхши самара беришига ишонаман.

Маърифатхон
РАҲМОНОВА,
Наманган.

Бир инсонга кўп иззат-ҳурмат ва бойлик берилди. У ўз жигарлари ва яқинларига қўлдан келганича ёрдам берарди. Айниқса, кенжа укасига кўп ёрдам қилди. Чунки ака отанинг пандига қулоқ солиб, қийинчиликлар эвазига кўзлаган мақсадига эришяётганди. У оқибат нималигини яхши биларди. Ҳеч вақт падарининг сўзини икки қилмасди. Аммо ука акасига ҳасад қилар, зимдан жигарининг савдосига кўз олайтириб, дўкондаги молларидан ўмарарди.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯ

Бориб-бориб уканинг сирлари очилди. Ака ота-онага шикоят қилди. Улар укага қаттиқ танбеҳ бериб, кўп насиҳатлар қилди. Ука бу ишни қайтармасликка ваъда бериб, акадан минг бор узр сўради. Аммо акага нисбатан ҳасади тинчлик бермасди. Яна хиёнат йўлига ўтди. Ака-ука ўртасида низо чиқди, ўртада оқибат ўлди. Ёмон нафс ғолиб бўлди, шайтон хурсандчиликдан ноғора чалди. Бунга қўшимча ука уялмасдан акасига:

— Мен сенга ҳасад қиламан, нима учун сен омадлисан? Нимага сенга берилади-ю, менга эса йўқ?! — деди юзсизларча сенсираб.

— Чунки, сенда инсоф йўқ! Сабр-қаноат, шукр ва оқибат йўқ! Сенинг қалбингни ҳасад кемиради. Ота-онамининг айтганларини қилиб, садоқат билан ишлаганинга қўлимдан келган ҳамма ёрдамни қилмоқчи эдим. Афсуски, сен хиёнат йўлини танладинг, нафсингга қўл бўлиб, ўз жигарингга хиёнат қилишдан ҳам қўрқмадинг! Сен бировнинг мусибатидан шодланма, ўзганинг омадига куйма, ҳар қандай яхшилик ва ёмонлик ўзингга қайтиб хорликка учратганда қўлдан берган бахт-омадингни ортга қайтаролмайсан, шуни унутма! — деди. Аканинг кўнгил ойинаси синди, икки жигар ўртасидан оқибат кетди. Оқибат ўлди, кўнгил синди, синган



Оқибат

кўнгилни нима чегалай олади?

Улуғларимиз демишким: "Бировнинг хусни-жамоли ва бойлигини кўрсанг, ҳасад қилма ва дарҳол ўзгаларга назар сол. Бу дунёда сендан кўра хунукроқ ва камбағалроқлар ҳам бор-ку". Хусну жамол Парвардигорнинг санъатидир. У кимни хоҳласа гўзал қилади. Мол-дунё, мартаба ва мансаб ҳам имтиҳон учун берилади. Шундай экан, эй азизим, асло ҳасад билан бойлик ва улуғликка эришаман, деб хато қилманг!

"Қасамини бузган қиз" китобидан.

ТАНЛОВИМДАН МАМНУНМАН



ИШДАН
ТАШҚАРИ
СУХБАТ

Бу гал-
ги суҳбатдошимиз
"Hamkorbank" АТБ Бухоро филиали касса амалиётлари бўлими касса мудири Озода Усмонова бўлди. У биз билан онлайн мулоқот жараёнида ўз жамоасини, касбини нақадар севишини қайта-қайта таъкидлади.

— Меҳнат фаолиятингизни боғча тарбиячилигидан бошлаган экансиз. Кейин эса банк соҳасига ўтиш... Очиги, бир-биридан узоқ соҳалар. Бундай танловга нима сабаб бўлган?

— Иш юзасидан банкка борган кезларим у ерда ишлаётган ходимларга ҳавасим келарди. Ҳавас бора-бора қизиқишга айланди. "Hamkorbank" ка ҳужжат топшириб, омадимни синаб кўрмоқчи

бўлдим. Кўп ўтмай Бухоро филиалининг касса амалиётлари бўлимига ишга қабул қилиндим. Устозларимдан олган билимларим, ҳамкасбларимнинг кўмаги менга жуда катта ёрдам берди. Танловимдан бир умр мамнунман.

— Аввалги фазначилар билан ҳозирги давр кас-

сирлари ўртасида иш жараёнида қандай тафовут бор? Сиз фаолият бошлаган илк кезларда ишлаш осонми-ди ё ҳозир?

— Очигини айтганда банкда иш бошлаган кезларимда бир мунча қийинчиликлар бўлган, асосан қўлда кўп вазифани бажарардик. Йиллар ўтиши билан бу жараёнга замонавий компьютерлар, инновацион технологиялар кириб келди. Пировардида ишимизда сифат ва самарадорлик, хизмат кўрсатиш маданияти ошди. Агар жамоа ҳамжиҳат бўлса, доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турса, ҳар қандай қийинчиликни енгиш мумкин. Бунинг фаолиятим давомида кўп бор кузатдим.

— Ишловчи аёлга осонмас. Турмуш ва рўзғор ташвишлари, уй юмушлари дегандай... Сиз бунга қандай ечим топгансиз?

— Бу борада, авваламбор, турмуш ўртоғим Фирдавс ака доимо қўллаб-қувватлаган, ёрдамини аямаган. Қолаверса, ойи-жоним (қайнонам)нинг уй-рўзғор юмушларини бажаришимдаги кўмакла-

ри, йўл-йўриқлари катта бўлган.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтларимда фарзандлар ва набираларим билан бир даврда бўлиш ҳар доим завқ беради, куч-қувват бағишлайди. Чарчоқларим ёзилади.

— Мабоодо қўлингизга мўмай пул тушиб қолса, нима қилган бўлардингиз?

— Турмуш ўртоғим билан бирга муборак ҳаж сафарига борган бўлардим.

— Китобга, адабиётга ва санъатга қизиқишингиз қандай?

— Кези келганда китоб ўқиб тураман.

— Кўпчилик аёллар киносериалларга ишқибоз. Ҳатто айримлари уй юмушларини ҳам бир четга суриб қўйишади. Хўш, сиз-чи?

— Тўғриси айтсам, сериаллар кўришга вақтим етмайди.

— Яхши иш – ширин ташвиш, дейишадилар. Касбингизни қай жиҳатлари сизга ёқади?

— Юқорида таъкидлаганимдай, жамоамизнинг аҳилиги, иш кўп бўлган пайтда доим биргаликда ҳаракат қилиши ёқади. Шундай жамоада ишлаш, унинг сафида эл-юрт равнақига ҳисса қўшиш умрим мазмунига айланганидан ғурурланаман.

Суҳбатдош:
Ҳалимжон ТОҲИРОВ.



"ОБУНА — 2022"

Ҳаёт ҳақиқатлари

Ажойиб тақдирлар

Маънавият сабоқлари

Кулги бекати

Олам синоатлари

Рақамлар тилга кирганда...

Пиру бадавлатларимиз мероси

Рекордлар, бошқотирмалар

Етти иқлимдан дараклар

Саломатлик хазинаси

Спорт майдонларида

каби рукнлар ва ўзингиз ёқтирган мавзуларда мақолалар ўқишни истасангиз, 2022 йил учун "HAMKOR PRESS" га обуна бўлинг. Бўш вақтингизнинг мазмунли ва мароқли ўтишида газетамиз сизнинг сеvimли суҳбатдошингизга айланди.

Обуна баҳоси
120 минг сўм.

САЛОМАТЛИК

Юқори қон босими кўпинча ўта фаол ва агрессив одамларда учраса, паст қон босимида бунинг акси бўлади. Омиллар:

ҚОН БОСИМИНИНГ ПАСТЛИГИ (ГИПОТОНИЯ)

- Ёпиқлик, ўз-ўзига босим, қатъият етишмаслиги. Танадаги энергия ташқарига чиқиши керак, агар чиқарилмаса (турли сабабларга кўра), у танани чарчатиб, организмда айланиб юради.
- Ноумидлик. Организм таслим бўлиб, келажакка ишонч йўқолса, тана ҳам аксига ишлай бошлайди.
- Ёлғизлик, ташландиклик ва ночорлик ҳисси, меҳр етишмаслиги (баъзан бу болаликдан оқ бошланиши мумкин).
- Ўз ҳаёти учун жавобгарликни зиммасига олишдан бош тортиш. Бундай одамлар ҳамма нарсада вазиятларни ва бошқа одамларни айблайди, шунингдек, улар жуда хурофотга берилган бўлади.

Бундай ҳолларда даволаш комплекс тарзда олиб борилиши лозим. Инсон ўз потенциалини рўёбга чиқариши ва уни қандай амалга оширишни билиши муҳимдир. Бундан ташқари, қандай қилиб мақсадлар қўйишни ва уларни босқичма-босқич амалга оширишни ўрганишингиз лозим.

Асосийси, ўз саломатлигингизга эътиборли бўлинг!



Нуржаҳон ЙЎЛДОШЕВА фотолавласи



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.